

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ АНВАР БОТИРОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ НЕМИС ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДА ИННОВАЦИОН  
ЖАРАЁНЛАР**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Ахмедов Анвар Ботирович**

Ҳозирги немис тили лексикасида инновацион жараёнлар .....3

**Ахмедов Анвар Ботирович**

Инновационные процессы в лексике современного немецкого языка .....23

**Akhmedov Anvar Botirovich**

Innovative processes in modern German lexis .....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВ АНВАР БОТИРОВИЧ**

**ҲОЗИРГИ НЕМИС ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДА ИННОВАЦИОН  
ЖАРАЁНЛАР**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil238 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Шахриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Холияров Лутфулла Ташкуватович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П.Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

**Г.Х.Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил тизимида доимий кечадиган инновацион жараёнлар муаммоси ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмаган. Айниқса, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар, мисли кўрилмаган янгиланишлар юз берди. Германиянинг бирлашуви, Европа Иттифоқининг ташкил топиши, ахборот ва коммуникацион технологияларнинг жадал суръат билан ривожланиши, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари каби экстралингвистик омиллар немис тили луғат захирасида инновацион жараёнларнинг тезлашувига, тилнинг неологизм ва окказионализмлар орқали бойишига олиб келди, натижада уларни махсус ўрганиш янада долзарб масалага айланди.

Дунё тилшунослигида ҳозирги кунда тил тараққиётининг асосий манбаи ҳисобланган неологизм ва окказионализмларни семантик-деривацион, интегратив, лингвокультурологик, семантик-коммуникатив, лингвокогнитив, функционал-прагматик, психоллингвистик ва социоллингвистик аспектларда тадқиқ этиш йўналишларида изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги немис тили тизимида кундалик сўзлашув нутқининг ўрни, унинг луғат таркиби тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, янги луғавий birlikларнинг ностандарт усуллар орқали ясалиши, вариантлилиги каби масалалар устида тадқиқотлар олиб борилаётган бўлишига қарамадан, неологизм ва окказионализмларни сўзлашув нутқи доирасида тадқиқ этиш борасида ноаниқ ҳолатлар, ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни, халқаро муносабатларнинг турли йўналишларида ташқи алоқаларнинг жадал суръат билан ривожланиши мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш билан бевосита шуғулланадиган фан ва таълим тизими олдида ҳам муҳим вазифалар қўймоқда. Республикаимизда мустақиллик йилларида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»га алоҳида эътибор қаратилди<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилди, чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – № 28 (6722).

Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида тил тизимида кечадиган инновацион жараёнлар турли тиллар материаллари асосида кенг ўрганилмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур муаммо тадқиқи билан М.Д.Степанова, В.Д.Девкин, Е.В.Розен, М.И.Умарходжаев, Б.Т.Ганеев, И.Ибрагимходжаев, С.И.Алаторцева, С.И.Тошалиева, W.Fleischer, P.Braun, R.Baayen, V.Gardin<sup>2</sup> ва бошқалар шуғулланиб келдилар.

В.А.Собянина, Н.А.Переверзева, Н.А.Шабанова А.Н.Руссуларнинг<sup>3</sup> ишларида лексик инновациялар немис сўзлашув нутқи материали асосида ўрганилган. D.Herberg, Н.Вахницкаяларнинг<sup>4</sup> ишларида неологизмларнинг немис тили лексик тизимига ассимиляциялашув жараёнлари тадқиқ этилган. D.Steffens, E.Worbs<sup>5</sup> каби олимларнинг ишларида янги луғавий birlikларнинг лексикографик жиҳатлари ёритилган. XX асрнинг охириги ўн

<sup>2</sup> Степанова М.Д. Словосложение в современном немецком языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Л.: ЛГУ, 1960. – 48 с.; Девкин В.Д. Немецкая разговорная речь: Синтаксис и лексика / В.Д.Девкин. – М.: Международные отношения, 1979. – 256 с.; Розен Е.В. На пороге XXI века. Новые слова и словосочетания в немецком языке. – М.: Просвещение, 2000. – 252 с.; Умарходжаев М.И. Центр и периферия во фразеологии // Известия АН. Серия литературы и языка. – М., 1980, Т.39, – вып. 2. – С.147-152.; Ганеев Б.Т. Ортофрония и аллофрония в языке и речи // Филологические науки. – М., 2004. – №3. – С.57-67.; Ибрагимходжаев И. Сложение как способ образования новых и окказиональных слов в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МГПИИЯ, 1979. – 26 с.; Алаторцева С.И. Проблемы неологии и русская неография: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. СПб., 1999. – 40 с.; Тошалиева С.И. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Fleischer W. Wortbildung der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: Enzyklopädie, 2001. – 378 S.; Braun P. Tendenzen in der deutschen Gegenwartssprache. Sprachvarietäten. – Stuttgart: Franz Steiner Verlag, 2008a. – 564 S.; Baayen R.H. Chronicling the Times: Productive Lexical Innovations in an English Newspaper / R.H. Baayen // Language 72. 1996. – p.69-96.; Gardin V. La neologie. Aspects sociolinguistiques / V. Gardin // In: Guilbert L. La neologie lexicale. Paris: Larousse, 1974. – P.67-73.;

<sup>3</sup> Собянина В.А. Взаимодействие специальной и обиходной лексики в современном немецком языке. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Москва, 2005. – 40 с.; Переверзева Н.А. Метафорическая и метонимическая деперсонификация в современном немецком языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2010. – 22 с.; Шабанова Н.А. Субстандартное словообразование в немецком языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Белгород, 2011. – 22 с.; Руссу А.Н. Вариантность слова в современном немецком разговорном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2015. – 24 с.

<sup>4</sup> Вахницкая Н.И. Роль заимствования в создании неологизмов современного немецкого языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2013. – 23 с.; Herberg D. Neologismen der Neunzigerjahre / D. Herberg // Neues und Fremdes im deutschen Wortschatz. Aktueller lexikalischer Wandel. Jahrbücher des Instituts für Deutsche Sprache, 2000. Berlin / New York: de Gruyter, 2001.1. – S.89-104.

<sup>5</sup> Steffens D. Neue Zeiten neue Wörter - neue Wörterbücher Text. / E.Worbs. Beiträge zur Neologismenlexikografie und -lexikologie. – Frankfurt a. M.: Peter Lang, 2009. – S.165-176.; Worbs E. Neue Zeiten neue Wörter - neue Wörterbücher Text. Beiträge zur Neologismenlexikografie und -lexikologie / E. Worbs. – Frankfurt a. M.: Peter Lang, 2009. – 217 S.

йиллигидан бошлаб изоҳли, икки тилли босма ва электрон неологизмлар ҳамда сўзлашув лексикаси луғатлари тузилган<sup>6</sup>.

Тил тизимида доимий кечадиган инновацион жараёнларни ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, инновациянинг тил тизимидаги ўрни ва тизимли мақоми чуқур ўрганилмаган, лексик инновациялар ҳозирги немис тили мураккаб динамик тизими фаоллашувининг ташқи-муносабат ва ички-структур жиҳатлари асосида таҳлил қилинмаган, неологизм ва окказионализмлар сўзлашув нутқи доирасида семантик-прагматик жиҳатдан монографик йўсинда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Қарши давлат университетининг «Тил тизимининг матн ва луғатда намоён бўлиши», «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги немис тили лексикасида кечаётган инновацион жараёнларни ва бу жараёнда пайдо бўлган неологизм ва окказионализмларни семантик-прагматик жиҳатдан тадрижий тараққиёт қонунлари асосида ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги луғавий бирликларга хос хусусиятларнинг нутқ муҳитида фаоллашув ҳолатларини ўрганиш ва турли матнларда қўлланиш вариантларини қиёслаш;

неологизм ва окказионализмларнинг семантик-прагматик имкониятлари юзага чиқишида экспрессивлик, эмоционаллик, образлилик ва баҳонинг тутган ўрнини аниқлаш;

ҳозирги немис тили лексикасида кечаётган инновацион жараёнларнинг асосий тенденцияларини тадқиқ этиш;

янги луғавий бирликларнинг асосий прагматик фарқловчи ва тизимли хусусиятларини тавсифлаш;

инновация ҳодисасига тил тизимининг мураккаб кўринишдаги ташқи ва ички муносабатлари нуқтаи назаридан баҳо бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирги немис сўзлашув нутқида учрайдиган образли, экспрессив, эмоционал-бўёқдор, шунингдек услубий бетараф неологизм ва окказионализмлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни коллоквиал неологизм ва окказионализмларнинг семантик-прагматик хусусиятларини намоён этувчи лисоний ва нолисоний моҳият ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва

---

<sup>6</sup> Девкин В.Д. Немецко-русский словарь разговорной лексики. – М.: Русский язык, 1994. – 768 с.; Neologismenwörterbuch [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.owid.de/neologismen/>, свободный – Язык немецкий.; Steffens D., Nikitina O. Deutsch-russisches Neologismenwörterbuch. Neuer Wortschatz im Deutschen. 1991-2010. 2., überarbeitete Auflage. – Mannheim: Institut für Deutsche Sprache, 2016. – 598 S.; Neuer Wortschatz: Neologismen der 90er Jahre im Deutschen / von Dieter Herberg, Michael Kinne, Doris Steffens; unter Mitarbeit von Elke Tellenbach, Doris al-Wadi. –Berlin, New York: Walter de Gruyter, 2004. –396 S.

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишда контекстологик, компонентли, қиёсий-чоғиштирма, статистик, когнитив-концептуал таҳлил каби лингвистик тадқиқот методларидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ҳозирги немис тили лексик тизимида пайдо бўлган янги луғавий бирликларнинг функционал ва экспрессивлик хусусиятлари таҳлиliga нутқ нормаси нуктаи назаридан ёндашилиб, улардаги стилистик белгининг воқеланиш ҳолати очиб берилган;

тил тизимининг мураккаб кўринишдаги ташқи ва ички муносабатлари доирасида янги элементлар пайдо бўлишига сабаб туғдирувчи омиллар гуруҳи аниқланиб, инновация ҳодисасини матнда қўлланилган тил бирликлари қуршовида ҳамда бошқа нутқ элементлари билан ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш зарурлиги асосланган;

инновациянинг лисоний фаолият тараққиётига ижтимоий омилларнинг фавқулодда таъсири натижасида юзага келиши асосланиб, янгидан ҳосил бўлган луғавий бирликларнинг ассоциатив алоқаларга тобелиги, семантик структурасининг мураккаблиги, ритмик-мелодик тузилиши, окказионал ўзгаришларга қодирлиги сингари асосий прагматик фарқловчи хусусиятлари далилланган;

тил танлаш ва саралаш тамойилларига амал қилган ҳолда инновацион ўзгаришларга муносабатда бўлиши оқибатида ижтимоий синовдан ўтган бирликларгина истеъмолга қабул қилиниши исботланиб, уларнинг луғат таркибидан ўрин олишида муҳим бўлган формал, семантик, функционал, сўз ясалиш, грамматик, стилистик, адаптацион каби лисоний ҳамда ижтимоий, тематик, коммуникатив, микдорий ва меъёрий сингари нолисоний омиллар аниқланган;

инновациянинг статик ҳолати унинг маълум вақт оралиғида юзага келиши ва янги сўз сифатида идрок қилиниши, динамик ҳолати эса унинг тилга қабул қилиниш фактидан иборат эканлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги луғавий бирликларнинг тизимли хусусияти тавсифлаб берилган; инновацион қўшма сўз ясалишининг умумий коммуникатив-прагматик моделини яратиш ва сўзловчи томонидан қўлланишини тадқиқ этиш учун замин яратилган;

тадқиқот материалларини тизимлаштириш асосида немисча-ўзбекча неологизмлар луғатини тузиш тамойиллари шакллантирилган;

Германия, Россия каби давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ўзбек тили лексикасида пайдо бўлган янги лексик бирликларни ўрганиш билан шуғулланадиган неология Миллий Марказини ташкил этиш учун таклиф ва тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг



амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у тилшуносликда юзага келган янги йўналишлар нуқтаи назаридан тилда доимий равишда кечадиган инновацион жараёнларнинг моҳияти, янги лексик бирликлар шаклланиш механизмларининг ўзига хослиги ва фаоллашув жараёнини аниқлаш ҳамда ушбу ҳодисаларни махсус луғатлар, реклама матнлари, даврий нашрлар, бадиий адабиётлар асосида ўрганиш, матн ҳосил қилишдаги адекват таҳлилини ўтказиш каби истиқболдаги тадқиқотлар учун илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар ва катта кўламдаги янги лексик материаллардан «Лексикология», «Стилистика» («Тилдаги инновацион жараёнлар», «Матн лингвистикаси» бўлимлари), «Таржима назарияси ва амалиёти» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажариш, шунингдек, талабалар билан ўтказиладиган дарсдан ташқари ишларда ва талабалар илмий жамияти тўғрақларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳозирги немис тили лексикасида кечаётган инновацион жараёнларни ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган назарий, амалий ва услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

тилнинг инновацияга муносабати, инновацион материалларнинг тил тизимига қабул қилинишида муҳим бўлган асосий омиллар, инновациянинг статик ва динамик ҳолатлари билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф8-002- «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» (2007-2011) мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 майдаги 89-03-1667-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ҳозирги замон кишисининг ижтимоий қиёфасига хос бўлган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар унинг тилида ўз аксини топиши, ижтимоий воқеликдаги янги фактларни ифода этувчи лексик инновациялар ижтимоий онг қатламида пайдо бўлиши ва шаклланишини аниқлашга хизмат қилган;

инновация ҳодисасига тил тизимининг мураккаб кўринишдаги ташқи ва ички муносабатлари асосида берилган баҳолар, шунингдек, унинг асосий прагматик фарқловчи хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлардан «Лексикология», «Стилистика», «Матн лингвистикаси», «Таржима назарияси ва амалиёти» каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 майдаги 89-03-1663-сон маълумотномаси). Натижада, талаба ва магистрларнинг мазкур фанларни ўзлаштиришларида сифат самарадорлиги оширилишига эришилган;

ҳозирги немис тили лексик тизимида пайдо бўлган янги луғавий бирликларнинг функционал ва экспрессивлик хусусиятлари таҳлилига нутқ

нормаси нуктаи назаридан ёндашиш натижасида олинган хулосалардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясида эфирга узатилган «Хорижий тилларни ўрганамиз», «Муносабат», «Мулоҳаза», «Кун мавзуси» номли кўрсатувлар ҳамда «Бугуннинг гапи», «Маънавият сарчашмалари» каби туркум радиоэшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 18 апрелдаги 12-15-624-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий-оммабоплиги таъминланган, янгича қарашлар билан мазмунан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инновацион жараёнлар лингвистик муаммо сифатида**» деб номланган биринчи бобида сўзлашув нутқи ва янги сўзларнинг пайдо бўлиши, инновацион жараёнларда баҳо номинациянинг муҳим омили эканлиги, лексик инновацияларнинг тилга ўзлаштирилишида лисоний ва нолисоний омилларнинг ўрни каби масалалар тадқиқ қилинган. Тадқиқотда «инновация» терминига тил тизимининг барча сатҳларида содир бўлган янги ҳодиса сифатида қаралган, неологизм ва окказионализмлар лексик инновациялар таркибида ўрганилган.

Сўнгги йилларда сўзлашув нутқини тадқиқ этиш борасида катта ютуқларга эришилди<sup>7</sup>. Бироқ, бу тадқиқотлар асосан кундалик мулоқот нутқини ўрганишга қаратилган бўлиб, адабий тил оғзаки шаклининг


---

<sup>7</sup> Ammer K. Einführung in die Sprachwissenschaft. Bd. 1. – Halle / Saale: Max Niemeyer Verlag, 2008. – S.24-26.; Никитина О.А. Развитие новых значений слов на основе метафорического переноса как один из способов обновления словарного состава немецкого языка (на материале глаголов и глагольных единиц семантических неологизмов конца XX начала XXI вв.). – Тула, 2009. – С.77-78.

ижтимоий-маданий ва илмий соҳаларда қўлланиш хусусиятларига нисбатан кам эътибор берилди<sup>8</sup>.

Воқеликни акс эттиришнинг муҳим аспекти онгнинг эмоционал қатламида, аввало, унинг асосий вазифаси бўлган баҳо бериш кўринишида намоён бўлади. Баҳо нутқий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Воқеликни идрок этиш субъект фаоллигини белгиловчи омилдир. Бу омил унга ўз олдига турли хил масалалар қўйиш ва уларни ҳал қилиш имконини беради. Ушбу жараёнда субъект воқеликдаги барча элементларни имконияти даражасида баҳолайди, ҳаёт фаолияти жараёнида пайдо бўлган турли хил эҳтиёжларини қондиради.

Мулоқотнинг ҳар бир тури ўзига хос вазиятни тақозо этади. Ёзма оммавий коммуникация учун мулоқотдошларнинг аниқ нутқ объекти орқали амалга оширадиган мулоқот вазияти хос. Коммуникациянинг бу тури мулоқот иштирокчиларининг макон ва замон нуқтаи назаридан узоқлиги ва воситачи шахснинг мавжудлиги билан янада мураккаблашувчи билвосита коммуникация кўринишини олади. Айнан шу жиҳатдан реклама берувчи ва ахборот олувчи ўртасидаги мулоқот жараёни куйидаги чизма тасвиридаги занжирсимон воситали кўриниш олади (1- расмга қаранг).



1 - расм. Реклама берувчи ва ахборот олувчи ўртасидаги мулоқот

Ёзма оммавий коммуникация соҳасида амалга ошадиган мулоқот жараёнида ахборот олувчиларнинг табақалашганлиги 1-жадвалда кўрсатилган:

1-жадвал

Маиший соҳадаги ёзма реклама орқали амалга ошадиган коммуникация жараёнида ахборот олувчиларнинг табақалашганлиги

Ижтимоий фаолиятнинг асосий соҳалари билан мос келиш	Маиший соҳадаги ёзма реклама орқали амалга ошадиган мулоқот жараёнида кўп сонли ахборот олувчилар (немис тилида сўзлашувчи жамият аъзолари)				
	маиший	ижтимоий-иктисодий	сиёсий	маданий	
Ахборот узатиш каналлари	маиший мавзудаги реклама	газета	радио	телевидение	кино
Маиший соҳадаги реклама мавзулари	олди-сотди	айирбошлаш, ёллаш, ижара	ишга ёллаш, мутахассис кидириш	шахсий ишларни юритиш	уйланиш, турмушга чиқиш

<sup>8</sup> Hartig M. Erfolgsorientierte Kommunikation. Wege zur kommunikativen Kompetenz. – Tübingen: A. Francke Verlag, 2007. – S.18-20.

Тилдан фойдаланувчи жамият аъзоларининг жамоавий онгида пайдо бўладиган лексик инновациялар реклама берувчилар томонидан қўлланади ва жонли тил таъсири остида бўлган воситачининг тасдиғидан ўтади. Воситачи ижтимоий фаолиятнинг маиший соҳасида тўпланган жамият аъзоларининг жамоавий тажрибасига таянган ҳолда реклама матнларида фақат янги, жамиятга илгари номаълум бўлган предмет ва ҳодисаларни ифодалаш учун ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган инновацияларни қўллайди. Масалан, янги ижтимоий муносабатлар – *Kiezmitter*<sup>9</sup> (DRNW, 308), кундалик турмушда ишлатиладиган янги предметлар ва истеъмол товарлари – *Plastik* (DRNW, 373), янги турдаги кийим-бошлар – *Burkini* (DRNW, 183) ва ҳ.к. Инновациянинг тилга қабул қилиниши лисоний ва нолисоний омилларга боғлиқ.

Тил фаолияти тўғрисида баён қилинган умумий фикрлар асосида сўзларнинг пайдо бўлиш ва фикр шаклланиш қонуниятларини ўрганиш марказий ўрин тутадиган замонавий нутқий фаолият назарияси яратилади. Бу назарияда тегишли тил янги номинацион имкониятларининг деривацион фаоллашуви муҳим аҳамиятга эга. Лексик инновациялар юзага келишида экстралингвистик омилларнинг ўрни, айниқса муҳим. Бу омиллардан бири ижтимоий воқеликдир. Ижтимоий воқеликда пайдо бўлган янги предмет ва содир бўлган янги ҳодисалар тегишли сўзлар билан ифодаланади ва тилдан фойдаланувчи жамият аъзоларининг умумий онгида акс этади.

Ҳар қандай лексик инновациялар тил тизимига қабул қилинмайди. Улар нутқий мулоқот жараёнида жамоавий онг томонидан сараланади. Инновацияларнинг нутқий мулоқот жараёнида қўлланишда давом этиши ижтимоий фаолиятнинг маиший соҳасида пайдо бўлган янги предмет ва содир бўлган янги ҳодисаларни ифодалашига имкон беради. Коммуникациянинг оммавий характери инновациянинг кўп сонли индивидлар орасида кенг тарқалиши ва ўзлаштирилишини енгиллиштиради.

Диссертациянинг «**Ҳозирги немис тили луғат фондида инновацион жараёнларнинг манбалари**» деб номланган иккинчи бобда лексик инновацияларнинг тил ички имкониятлари асосида ҳамда чет тил элементлари иштирокида юзага келиши ўрганилган.

Немис сўзлашув тилида янги лексик бирликнинг пайдо бўлиши сўз ясаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш, тилда мавжуд сўзларда янги маънонинг ҳосил бўлиши (семантик деривация), янги фразеологизмлар ясалиши сингари омиллар орқали амалга ошади.

Кўчма маънодаги лексемалар сўзлашув тилига, асосан, махсус лексика, адабий тил, диалект ва жаргонлардан олинади. Махсус лексика бугунги кунда кундалик сўзлашув лексикасининг бойишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолни ҳозирги немис тилида тушунчаларнинг умумлашув ва мавҳумлашув тенденцияси сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, иқтисод

<sup>9</sup> Аксарият неологизмлар Steffens D., Nikitina O. Deutsch-russisches Neologismenwörterbuch. Neuer Wortschatz im Deutschen. 1991-2010. 2., überarbeitete Auflage. – Mannheim: Institut für Deutsche Sprache, 2016. – 598 S. луғатидан олинди, шу боис кейинги ўринларда иқтибос келтирилмади, луғатнинг қисқартма номи (DRNW) ва саҳифаси кўрсатилди.

соҳасида «кумуш танга» маъносида қўлланиб келган *Silberling* (DRNW, 415) атамасида XX асрнинг 90 йиллари ўртасидан бошлаб метафорик кўчим асосида «компакт диск» кўчма маъноси ҳосил бўлганлигини кўрамыз. Бу сўз янги маъноси билан сўзлашув тилида қўлланмоқда (2 - жадвалга қаранг).

2-жадвал

*Silberling* атамасида коллоквиал кўчма маънонинг ҳосил бўлиши

маъно комп.	асосий семалар			нейтрал- лашувчи семалар	қўши- лувчи семалар	хосила	семали формула
	архи- сема	аниқловчи семалар					
		даст- лабки сўз	сақланиб қолувчи сема				
<i>Silberling</i> «кумуш танга»	жонсиз предмет (а)	кумуш танга белгилари б, в, г	яссилик, ялтироқлик айлана шакл (ж)	абвг...	қурилма (М)	диск шаклидаги электрон маълумот ташувчи	М <sub>ж</sub>

Шуни таъкидлаш керакки, семантик неологизмлар воқеликдаги янги предмет ва ходисаларга ном бериш, олдиндан мавжуд бўлганларини қайтадан номлаш каби вазифаларни бажаради. Шунингдек, баҳолаш хусусияти орқали лексиканинг эмоционал-экспрессив жиҳатдан янгиланишга бўлган эҳтиёжини ҳам қондиради<sup>10</sup>. Сўз маъносининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлган семантик неологизмлар метафорик ва метонимик кўчим, маъно кенгайиши ва торайиши каби усуллар орқали ясалган: 1) метафорик кўчим: *fett* (DRNW, 241), *zwitschern* (DRNW, 457) каби туб сўзлар, *abhängen* (DRNW, 139), *Scheibenwischer* (DRNW, 401) каби ясама сўзлар, *knicken* (DRNW, 313) каби конверсия усулида ясалган сўзлар, *halbrund* (DRNW, 275), *Heuschrecke* (DRNW, 283) каби қўшма сўзлар; 2) метонимик кўчим: *Platte* (DRNW, 374), *Plastik* (DRNW, 373); 3) маъно кенгайиши: *Supernanny* (DRNW, 436); 4) маъно торайиши: *Interview* (DRNW, 301).

Сўз ясалиши натижасида қуйидаги турдаги неологизмлар ҳосил бўлган: 1) қўшма сўзлар: *Gammelfleisch* (DRNW, 257), *Arschgeweih* (DRNW, 152); 2) ясама сўзлар: *Warmduscher* (DRNW, 476), *Ichling* (DRNW, 291); 3) конверсия усулида ясалган сўзлар: а) отдан ясалган феъллар: *blicken* (DRNW, 171), *schrotten* (DRNW, 405); б) ундов сўзлардан ясалган феъллар *toppen* (DRNW, 451); в) отдан ясалган сифатлар: *hammer* (DRNW, 275); г) феълдан ясалган сифатлар: *abgezockt* (DRNW, 139), *angefressen* (DRNW, 147); д) сифатдан ясалган кучайтирувчи юкламалар: *unterirdisch* (DRNW, 460); 4) қисқартма сўзлар: *Schland (Deutschland)* (DRNW, 403), *telen (telefonieren)* (DRNW, 446), *Meck-Pomm (Mecklenburg-Vorpommern)* (DRNW, 334); 5) редупликация усули билан ясалган неологизмлар: *Pillepalle* (DRNW, 369), *Blingbling* (DRNW, 172); 6) гибрид сўзлар: *Nacktscanner* (DRNW, 344); сохта англицизмлар: *Handy* (DRNW, 276).

<sup>10</sup> Никитина О.А. Неологическая лексика и внутрисистемные отношения в словарном составе немецкого языка (на материале семантических неологизмов конца XX – начала XXI в.) // Вестник Томского государственного университета. – Томск, 2011. – №1(13). – С.41.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида тил ички имкониятлари асосида янги фразеологизмлар ҳосил бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Янги фразеологизмларнинг куйидаги турлари учрайди: 1) тўлик идиомалашган: *geht's noch?* – эсинг(из) жойидами? (DRNW, 260); 2) қисман идиомалашган: *alles im Lack* – рисоладагидек (DRNW, 319); 3) идиомалашмаган: *wie X (Adjektiv) ist das denn* – бунчалик [...] (бирон-бир белгининг юқори даражада эканлигини таъкидлаш учун қўлланади)<sup>11</sup>.

Бошқа тилга хос сўзнинг сўз олувчи тилда маълум сабабларга кўра мавжуд бўлмаган, кўпинча қайта англандан маъноси ўзлаштирилади. Ўзлаштириш асосан бир, баъзан икки ёки бир неча лексик-семантик вариантга тааллуқли. Ўзлаштира сўз маъноси ўзгариши билан эмоционал-экспрессив оттенкага эга бўлади<sup>12</sup>. Янги лексема маъносида ҳосил бўлган услубий бўёқ ҳисобига экспрессив синонимлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди<sup>13</sup>, масалан: *Zigarette* (neut.) – *Sargnagel* (scherz.) – *Rauche* (spött.) – *Steckie* (iron.) – *Kastrierte* (geringschätz.) ва ҳ.к. Сўзлашув тилига хос ўзлаштира неологизмлар семантик таркибида денотатив ҳамда коннотатив семалар мавжуд<sup>14</sup>. Ўзлаштира неологизмлар тил воситаларини кўп сарфлаш ва тавсифлаш йўли билан ифода этилган барча кўшимча маъноларни битта сўзда жамлаш имконига эга: *die Flat* (DRNW, 243) *лимитсиз тариф (интернет ёки телефондан чекланмаган миқдорда фойдаланиш учун ҳар ойда тўланадиган умумий сўмма)*.

Ўзлаштира лексикага калькалаш натижасида ясалган лексемалар ҳам киради, масалан: *zwitschern* (DRNW, 457) *қисқа хабарларни тарқатмоқ – engl. to twitter*. Тилда мавжуд бўлган сўзнинг семантик таркибига ўзлаштира сўз маъносининг «интеграциялашув» ҳоллари кўп учрайди: *texten* (DRNW, 448) *матн, айниқса қисқа хабарларни электрон алоқа воситалари орқали ёзиш ва жўнатиш*. Сўзлашув тилига хос ўзлаштира неологизмлар немис тили сўз яшаш тизимига киргач, ҳам соф немис тили, ҳам хорижий тил элементларидан иборат кўп сонли инновацияларнинг содир бўлишига имкон яратади, масалан: *chillen* таянч сўзи атрофида сўз «оиласи» пайдо бўлишга улгурди: *chillen, chillig, Chill-out* (DRNW, 194). Услубий бўёқдор ва услубий бетараф қолиплар асосида ясалган бундай лексемалар яққол ифодаланган кундалик сўзлашув бўёғига эга. Қиёсланг: *Flat* (DRNW, 243), *Flatratепarty* (DRNW, 244), *Flatratetrinken* (DRNW, 244) ва б. Инглиз тилидан ўзлашган сўзлар немисча кўшма сўзларнинг компонентлари сифатида қўлланади: *Kassenhopping* (DRNW, 307). Хорижий тил элементи экспрессив иборалар таркибида келади: *eine Show abziehen* – *ўзининг яхши томонларини кўрсатмоқ*<sup>15</sup>.

<sup>11</sup> Neologismenwörterbuch [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.owid.de/neologismen/>, свободный – Язык немецкий.

<sup>12</sup> Шехтман Н.А. Лингвокультурные аспекты понимания // Филологические науки. – М., 2002. – №3. – С.50.

<sup>13</sup> Сиддикова И.А. Синонимия как микросистема языка. – Т.: Фан, 2008. – С.8.

<sup>14</sup> Казленова А.К. Мотивированность заимствованного слова (на материале современного русского языка) // Вопросы языкознания. – М., 2003. – №5. – С.72.

<sup>15</sup> Duden. Deutsches Universalwörterbuch. Hrsg. v. d. Dudenredaktion. 7., überarb. u. erw. Aufl. – Mannheim / Zürich: Dudenverlag, 2011. – S.1509.

Реклама матнида янги сўзларни қўллаш – одамларнинг эътиборини жалб қилишнинг самарали усули. Бундай сўзлар, масалан «Автомобиль ва моторли қайиқлар савдоси» мавзусидаги реклама матнларида учрайди. Сотилаётган автомашина эгалари товарнинг ташқи кўринишига харидорнинг эътиборини жалб қилиш учун унинг рангини шу даражада жозибатор тасвирлайдики, натижада унга эътибор қаратмасликнинг сира иложи қолмайди, масалан: «BMW 1600 Ti...*polarissilber*»<sup>16</sup>, «Opel-Rekord... *alaskagrau*»<sup>17</sup>. Бу жозибатор оҳанг рекламанинг бошқа турлари (масалан душ рекламаси) учун ҳам хос: «*Freie Wohnung, Warm-, Kaltwasser, Capribrause*»<sup>18</sup>.

Кундалик сўзлашув нутқида ўзлаштира неологизм талаффузининг немис тили талаффуз нормасига яқинлашиш тенденцияси кузатилади. Ўзлаштира неологизмларда сўз урғусининг ҳар хил бўғинларга тушиши унлиларнинг чўзик/қисқалиги бўйича фарқланишига олиб келади: *Take-away* [te:kə've:] (ад.) → [te:kəve<sup>19</sup>] (сўзл.) (DRNW, 441). Ўзлаштира неологизмларнинг ёзув шакли немис тили орфографик нормасига (отлар бош ҳарф билан ёзилади, ўзлаштира сўздаги ҳарф ва ҳарф бирикмалар немис тилидаги ҳарф ва ҳарф бирикмалар билан алмашади ва ҳ.к.) мослашган ҳолларда тўлиқ ассимиляция амалга ошади, масалан: инглизча ёзилиши: *to scan*, немисча ёзилиши: *scannen* (DRNW, 400). Баъзи ўзлаштира неологизмлар ёзув шаклини тўлиқ сақлаб қолган. Бу ҳол лексик мазмунга мустаҳкам ўрнашиб олган англо-американизмларда яққол кўринади: *Loset* (DRNW, 327).

Ўзлаштира неологизмлар немис тили грамматик тизимига мослашади. Род категориясига эга бўлишда мазмун ва ифода планининг фарқловчи белгилари эътиборга олинади: 1) мазмун плани: *das Multikulti* (DRNW, 342) *жамиятда турли хил маданиятларнинг мавжудлиги, мультикультурализм*; *der Multikulti* (DRNW, 343) *мультикультурализм тарафдори, мультикультуралист*. 2) ифода плани: *der Avatar -e,-s*; *das Avatar -e,-s* (DRNW, 158). Грамматик сон категорияси бўйича қуйидагилар фарқланади: *Singularia tantum*: *der Funsport* (DRNW, 254), *das Qigong* (DRNW, 387); *Pluralia tantum*: *Twentysomething* (DRNW, 456), *Ins* (DRNW, 297), *Outs* (DRNW, 359).

Ўзлаштира равишлар, шунингдек, ундов сўзлар график шаклини сақлаб қолиш тенденциясини намоён қилади. Равишлар: *offline* (DRNW, 352), *online* (DRNW, 353), *on demand* (DRNW, 352); ундов сўзлар: *bingo* (DRNW, 170), *ups* (DRNW, 463), *yep* (DRNW, 489).

Ўзлаштира, шунингдек немис тили ички имкониятлари асосида ясалган неологизмларнинг айримлари тезда эскириши ва истеъмолдан чиқиб кетиши мумкин. Бундай неологизмлар «метеор сўзлар» ҳисобланади, масалан: *Buschzulage* (DRNW, 183), *Golden Goal* (DRNW, 271).

<sup>16</sup> Frankfurter Allgemeine Zeitung. – Frankfurt am Main, 2004. – №28. – S.16.

<sup>17</sup> Juma. Das Jugendmagazin. – Köln, 2009. – №14. – S.25.

<sup>18</sup> Stern. – Hamburg, 2005. – № 8. – S.19.

<sup>19</sup> Neologismenwörterbuch [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.owid.de/neologismen/>, свободный – Язык немецкий.

Демак, немис сўзлашув тили луғат таркибининг бойиб бориши ҳозирги даврда кўпроқ тилнинг ўз ички имкониятлари асосида содир бўлмоқда. Янги лексик бирликлар пайдо бўлишининг энг маҳсулдор усули сўз ясалиши бўлиб, унинг таркибида асосий ўринни қўшма сўз ясалиши эгаллайди. Тилда олдиндан мавжуд сўзлар маъносининг ўзгариши натижасида кўчма маъноли сўзларнинг ҳосил бўлиши сўзлашув лексикасини бойтишнинг маҳсулдор усуллари билан бири бўлиб, бунда метафорик ва метонимик кўчим, маъно кенгайтиши ва торайиши натижасида янги кўчма маънолар ҳосил бўлади. Экспрессив маънога эгаллиги, ифодавийлиги сабабли янги фразеологизмлар тил тизимида доимий равишда пайдо бўлади. Айниқса, сўзлашув нутқи фразеологизмларга ниҳоятда бой. Ўзлаштирма неологизмлар ҳозирги немис тили сўз ясалиш тизимида фаол кириб боргани ҳолда, сўзлашув тилининг янги сўз ва иборалар билан бойишида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Статистик таҳлил натижаларига кўра, биз таҳлил қилган сўзлашув тилига хос неологизмлар орасида сўз ясаш омили орқали ясалган неологизмлар 48%, ўзлаштирма неологизмлар 30%, семантик неологизмлар 13,5%, янги фразеологизмлар 8,5% ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Иновацион жараёнларда окказионал номинация (қўшма сўзлар ясалиши мисолида)**» деб номланган учинчи бобида окказионал қўшма сўзлар тизимли равишда тадқиқ қилинган.

Қўшма сўз номинацияси туб сўз номинациясидан фарқ қилади. Ҳозирги немис тилида қўшма сўз ясалиши сўзларнинг полисемияси ва омонимиясини бартараф этишга имкон беради. Қиёслаймиз: *Hundehalsband* (*итнинг бўйинбоғи*) ва *Schmuckhalsband* (*маржон*). Узуал ва окказионал қўшма отларни ўзаро фарқлаш принципига кўра уларнинг 4 гуруҳини ажратиш мумкин (3 - жадвалга қаранг).

3-жадвал

Узуал ва окказионал қўшма отларнинг фарқловчи хусусиятлари

№	Узуал қўшма отларнинг турлари	Умум қабул қилинганлик	Қўлланувчанлик	Меъёрийлик	Янгилик	Қўлланиш частотаси	Алоҳида (контекстсиз) тушуниш
1	Узуал қўшма отлар	+	+	+	—	+	+
2	Нисбий узуал қўшма отлар	—	+	+	—	+	+
№	Окказионал қўшма отларнинг турлари	Умум қабул қилинганлик	Ижодкорлик	Меъёрийлик	Янгилик	Қўлланиш частотаси	Алоҳида (контекстсиз) тушуниш
1	Окказионал қўшма отлар	—	+	—	+	—	—
2	Нисбий окказионал қўшма отлар	—	+	+	—	—	+

Яхлит семантик мотивланган окказионал қўшма отлар, энг аввало, семантик мотивацияси қисман ёки тўлиқ яширинган сўзлардир. Бундай қўшма сўзларни ҳозирги немис тилида кечаётган инновацион жараёнларда



бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Маъноси қисман ёки тўлиқ қайта англандиган окказионал сўзлар (кейинги ўринларда ОС) гуруҳи: 1) биринчи компонент маъносининг қайта англаниши: «*In der Backstube staubten die **Mehltage** dahin*<sup>20</sup>». Бу ерда ОС биринчи компоненти маъносининг қайта англаниши куйидаги сабабга асосланган: новвойхонадаги иш ўта зерикарли; Станислаус кун бўйи фақат ун билан ишлаши керак. Шунинг учун ҳам унинг зерикарли кунлар ҳақидаги тасаввури «ун» («*Mehltage*») тушунчаси билан боғлиқ. 2) иккинчи компонент маъносининг қайта англаниши: «*Die Lokomotive startete mit ihren Lampenglotzungen in dieses **Bergmaul** hinein*»<sup>21</sup>. Сўзма-сўз таржимаси «ТОҒНИНГ ОҒЗИ», контекстда эса *туннел* назарда тутилган. 3) ОС маъносининг яхлит ҳолда қайта англаниши: «*Er legte sich auf dem Mehlboden quer über die Mehlsäcke.... Auf dieser **Mehlwiese** kämpfte Stanislaus um die Trennung seiner Leiber*»<sup>22</sup>. Контекстда гап Станислаусга спиритик (арвоҳлар билан гаплашиш) сеанс ўтказиш учун керак бўлган сокин, ям-яшил ўтлоқ ҳақида боради. Бундай ўтлоқнинг новвойхона яқинида йўқлиги сабабли уни Станислаус учун ун солинган қоплар («*Mehlsäcke*») билан алмаштирадилар. Бундай бошдан оёқ унга тўйинган ўтлоқ «ун ўтлоқ» (*Mehlwiese*) деб аталган.

2. Қиёсий окказионал қўшма сўзлар гуруҳи. Яхлит семантик мотивланган ОСлар бир предмет ёки ҳодисани бошқаси билан қиёслаш орқали ясалади. Бундай ОСларнинг биринчи компоненти иккинчи компонент томонидан ифодаланган предмет ёки ҳодисанинг доимий белгисини ифодалайди, масалан: *Stachelwimpern* → *Wimpern wie Stacheln* (тиканакдек киприклар). «*Die kleinen Augen des Schmierers hinter den **Stachelwimpern** kullern ein paar Blicke zu Lope hin*»<sup>23</sup>. Айрим ҳолларда, бу белги предмет ёки ҳодисага ҳар доим ҳам эмас, балки баъзи вазиятларда хос бўлиши мумкин. Масалан, «*Knopflochaugen*» сўзининг асосида кўзни (*Augen*) тугманинг тешиги (*Knopfloch*) билан қиёслаш мавжуд «*Knopflochaugen*» → «*Augen (schmal) wie Knopfloch*» = «тугманинг тешигидек кўзлар»: «*Hermann schaut mit **Knopflochaugen** in das grelle Kunstlicht*»<sup>24</sup>.

3. Жонлантириш ёки сохта этимологияни қўллаш йўли билан ҳосил қилинган яхлит семантик мотивланган ОСлар:

1) жонлантириш: *Schnapskater* – «*Kompaniewachtmeister Zauderer war sehr mißmutig, und der **Schnapskater** wälzte sich ausgiebig in seinem kleinen Kopf*»<sup>25</sup>. Контекстда «*Kater*» (*бош оғриғи*) ва «*Kater*» («мушук») омонимлари атайлаб аралаштириб юборилган, таржима қилинмайдиган сўз ўйини асосида лексик окказионализм ҳосил бўлган.

2) сохта этимология: *Flimmschlauspielerinnen* – «*Frau Stamm sieht in die Zeitschrift. Die Illustrierte steht auf dem Kopf. «Wie chic, die modernen Kleider*

<sup>20</sup> Strittmatter E. Wundertäter. – Berlin und Weimar: Aufbau - Verlag, 1972. – S.86.

<sup>21</sup> Кўрсатилган манба. – Б.469.

<sup>22</sup> Кўрсатилган манба. – Б.109.

<sup>23</sup> Strittmatter E. Ochsenkutscher. – Berlin: Aufbau Taschenbuch Verlag GmbH, 2000. – S.295.

<sup>24</sup> Strittmatter E. Ole Bienkopp. Roman. – Berlin und Weimar: Aufbau - Verlag, 1982. – S.129.

<sup>25</sup> Strittmatter E. Wundertäter. – Berlin und Weimar: Aufbau - Verlag, 1972. – S.447.

*der Flimmschlauspielderinnen!»»<sup>26</sup>. Қиёслаймиз: «Filmschauspielerinnen»:  
film → flimm(ern) → schau → schlau.*

4. Денотатив маъноли яхлит семантик мотивланган ОСлар гуруҳи. Бундай ОСларнинг қуйидаги турлари учрайди: 1) аниқловчи қўшма отлар. Бундай қўшма сўзларда биринчи компонент шахс ва жой номлари билан боғланган бўлиб, у ёки бу аниқ шахс (ёки жой)ни эмас, балки мазкур шахс ёки жойга хос хусусиятни ифодалайди: *Heidhügelzeit* – «*Ich war nicht mehr Annagret. Du warst nicht mehr Julian. Vorbei die Jugend, die Heidhügelzeit*»<sup>27</sup>. Ушбу контекстда гап Аннгретнинг ёшлик дамлари ва Рамш билан «меналик» (*Heidhügel*)да учрашган даврларини эслаб ёзган хати ҳақида боради. Хатда у ёшлик онлари, “тепалик”да ўтказган дамлари (*Heidhügelzeit*) билан видолашади. Контекстдан маълум бўлишича, биринчи компонент Аннгретнинг ёшлиги ва унинг Рамшга бўлган севгиси билан боғлиқ маълум бир жойга (*Heidhügel-menалик*) хос хусусиятни ифодалайди. 2) копулятив қўшма отлар. Бундай ОСлар қўлланган қуйидаги контекстларни қиёслаймиз: *Feldscheunen-Forts, Heuschober-Festung* – «*Diehn... schurigelte Marschner, den neugebackenen Sturmabteilungsmann, im Geländedienst beim Stürmen von Feldscheunen-Forts und Heuschober-Festungen*»<sup>28</sup>. Контекстда қишлоқдаги уруш билан боғлиқ ўйинлар назарда тутилган. Бу ўйинларда пичан ғарамлари шартли равишда қалъа, омборхоналар эса истехком вазифасини ўтайди.

Алоҳида семантик мотивланган окказионал қўшма от ҳар икки компонентида ҳам мустақил маъно аспектиларининг мавжудлиги билан ажралиб туради. Бундай ОСлар уларга мос келувчи эркин сўз бирикмасига синоним ҳисобланади. Уларнинг қуйидаги гуруҳлари мавжуд:

1. Таянч сўзлардан иборат сўз бирикмаси таркибидаги боғланишга компонентлари орасидаги боғланиш мос келувчи ОСлар гуруҳи. Бундай ОСни мос келувчи таянч сўзлардан иборат эркин сўз бирикмасига айлантириш жараёнида сўз бирикмасининг ҳар хил турлари намоён бўлади:

1) S2 + S1<sup>G</sup> (Substantiv2 + Substantiv1Genetiv) – иккинчи компонент билан боғланган от ва биринчи компонент билан боғланган (генитивдаги) от:

*Familienmarktplatz<sup>29</sup> → Marktplatz der Familie*

2) S ← A1+ S2 (Adjektiv1 + Substantiv2) – биринчи компонент (яъни, от) асосидан ясалган сифат ва иккинчи компонент билан боғланган от:

*Sternhimmel<sup>30</sup> → gestirnter Himmel.*

